



САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

БУЮК ХОРАЗМИЙЛАР



Садриддин Салим Бухорий

БУЮК ХОРАЗМИЙЛАР

Ушбу китоб www.xorezm.com сайтидан кўчириб олинган.

Данная книга скачана с сайта www.xorezm.com.

This book was downloaded from site www.xorezm.com.

Тошкент

«Ёзувчи» нашриёти

Масъул мухаррир

Тилак ЖЎРА

Дилшод ҚИЛИЧнинг «Турондод» корхонаси

Садриддин Салим Бухорий.

Буюк хоразмийлар (Масъул мухаррир Т. Жўра).— Т.: Ёзувчи, 1994.— 16 б.

Маълумки, Хоразмийларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Хассос шоир, зукко олим Садриддин Салим Бухорийнинг ушбу рисоласида кубровия тарикатининг асосчиси шайх Нажмиддин Кубаро, файласуф ва шоир Пахлавон Махмуд, беназир шоир, истеъдодли бастакор Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг ибратли ҳаёти фаолияти ҳақида мухтасар ҳикоя қилинган.

Муҳтарам китобхон, буюк Хоразмийларнинг барҳаёт руҳи поклари Сизга ёр бўлғай!..

Садриддин Салим Бухорий. Великие хорезмийцы.

ББК 83.3Ўз

Қатъий буюртма – 1993

47026220200 – 45

М 362 (04) – 93

ISBN 5-8255-0205-X © Садриддин Салим Бухорий, «Ёзувчи» нашриёти, 1993 й.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБАРО

Нақл қилурларки, бир тужжор сайр этиб юардн, шунчаки, кизикувчанлик юзасидан Ҳазрат Нажмиддин Кубаро (Кубро) хонақосига кирди. Ҳазратда кавий ҳолат эрди, назарлари тушган он тужжор валоят (авлнелик) даражасига етди. Ҳазрат унга иршод (ижозат) хати бериб, ўз юртингга бориб, элни Тангри таоло йўлига бошлагайсен, деб тайинлади.

Нақл этурларки, бир кун хонақоҳда Қуръони каримдаги «Каҳф» (18-сура) сураси шарҳ этиларди. Сухбатда Нажмиддин Кубаронинг шогирди шайх Саъдиддин Хамавий ҳам бор эди. Шайх Саъдиддин кўнглидан, ҳозирги замонда назари итга таъсир эта олувчи улуғлар бормикан, деган фикр ўтди. Ҳазрат Нажмиддинга унинг бу хаёли маълум бўлди ва ҳазрат барча асҳобни эргаштириб, хонақоҳ, эшигига борди. Ногоҳ бир ит келиб, думини ликиллашиб турди. Ҳазрат Нажмиддиниинг муборак назари ул итга тушди-ю, филҳол итнинг аҳволи ўзгарди. Ва, шаҳарни тарк этиб, мазористонни макон этиб, бошини ерга суртар эрди. У қаён борса, эллик-олтмиш ит унга эргашар, ул ўтирса, бошқалари ҳам атрофдан жой олнб, олдинги оёқларини тавозе билан тутишар, товуш чиқармай, ҳурматини бажо келтирардилар. Оқибат, ул ит ўлгач, шайх уни дафн қилиб, қабри устига мақбара қуришни буюрган.

Бир назари билан итга валоят даражасини бағишлаган улуғ аллома, Шарқнинг етук файласуфи, шоир, авлиё, тариқат муршидн Аҳмад ибн Умар Хевақий ал Хоразмий эди. Бу зоти шариф Шайх Нажмиддин Кубаро номи билан оламга танилган. Зеро, Нажмиддин – диннинг юлдузи, Кубаро – улуғлар (бирликда Кабир), буюклар деган маънони англатади. Ҳазрат Аҳмад ибн Умар диннинг ёрқин юлдузи бўлган Кубаро (Кубаро, Кабир) дейилишига боис шуки, Ҳазрат йигитликда ким билан илм юзасидан баҳсу мунозара қилса, албатта енгаркан. Шу сабаб Кабир, Кубаро, яъни — буюк, деган ном олган. Шайхнинг яна бир лақаби Шайх Валийтарошдир. Юқоридаги икки ривоятдан маълум бўлдики, назари кимга тушса, ул зот валийлик даражасига етаркан. Шу боис Валийтарош номини ҳам олган.

Нақл қилурларки, ҳазрат Нажмиддин тушида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам ҳазратларини кўрди ва менга куния (лақаб) бағишланг, деб илтимос қилди. Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом унга Абдулжанноб номини бердилар. Тушдан уйғониб дунёдан ижтиноб (яъни, чекиниш, тарк этиш) кераклигини билди.

Шайх Нажмиддин Кубаро 1145 йилда туғилиб, 1221 (22) йилда шаҳид бўлган.

Маълумки, бутун дунёда нақшбандия, яссавия, кубровия тариқатлари кенг тарқалган. Шайх Нажмиддин кубровия тариқатининг асосчисидир.

Нақл этурларки, Нажмиддин Кубаро «Шархус – сунна»ни бир устоз ёнида ўқирди. Хонақоҳга нотаниш дарвиш кирди-ю, Нажмиддинда китоб ўқиш мажоли қолмади. Дарвиш чиқиб кетганидан сўнг, унинг кимлигини сўрадилар. Ул зоти муборак ҳазрат Бобо Фараж Табризий экан. Эртасига Нажмиддин устози билан Бобони зиёрат қилмоққа борди. Ҳазрат Бобо Фараж Табризий суҳбат асносида мутағаййирланиб вазоҳатида улуғлик зоҳир бўлди ва юзлари офтобдек порлади, танидаги либос чок-чокидан сўтилди. Апча фурсатдан сўнг Ҳазрат Бобо аввалги ҳолатига келди ва либосини ечиб, Нажмиддин Куброга берди ва дедик, энди дафтар (китоб) ўқимоқни бас айла, иншоллоҳ, бутун олам сардафтари бўлғайсен! Нажмиддин Кубаро дейдики, ҳолим ўзгарди, вужудимда Ҳақдин ўзга барча нарса йўқолди.

Эртасига устоз дедик, «Шархус-сунна»дан бир неча варақ қолди. Шунини ўқиб тугат. Сўнг ихтиёр ўзингдадир. Нажмиддин китоб ўқимоққа бошлади. Шунда, бирдан Ҳазрат Бобо намоён бўлиб, деди: «Кеча илмул яқинда минг манзилни забт этдинг, бугун яна илм бошига келдингми?» Шайх Нажмиддин ўқишни тарк этди. Риёзату хилватга машғул бўлди. Ладуний илм,— Аллоҳ таолло хоҳлаган бандасига бериладиган илм,— ғайб илми Нажмиддинга аён бўла бошлади. Нажмиддин айтганки: «Бу илмлар ёзулмаса, ўз-ўзидан ўлиб кетади, деб ўйладим. Шу боис Ладуний илм сирини ёза бошладим. Яна ҳазрат Бобо кўриниб, дедик, Шайтон сенга васваса этмоқда. Бу илм-сирни ошкора этма! Қўлимдаги қаламни ташладим».

Шайх Нажмиддин Бағдод, Миср, Искандария ва бошқа шаҳарларда бўлиб, таълим олган. «Қомусул аълом»да ёзилишича, Шайх Исмоил ҳам Нажмиддинга сабоқ берган. Шайх Аммор Ёсир ҳам Нажмиддиннинг устозларидандир. Ҳазрат Нажмиддин Шайх Рўзбехони Кабир Мисрийдан таълим олган ва Шайх Рўзбехон қизига уйланган. Шайх Нажмиддиннинг икки ўғли бўлгани ҳақида хабар мавжуд.

Шайх Нажмиддин Кубаро ўнлаб асарлар муаллифи. Жумладан, унинг «Фи одоби соликин» («Солиқлар одоби ҳақида»), «Рисолатул ҳоиф ул-ҳоим ан лавмат ил-лоим» («Қўрқувчи оворалар ва маломат этувчи маломатийлар ҳақида»), «Фавотех-ул-жамол» («Гўзалликни эгаллаш»), «Рубоийлар» китоблари машҳур.

Мўғул босқинчилари Хоразмга киришларидан олдинроқ, Шайх Нажмиддин ўзининг олтмишдан ортиқ муриддини йиғиб: «Сизлар Хоразмни тарк айлаб, ўз юртларингизга жўнанг. Машрикдан оташ келмоқда, Мағриб қўйиши муқаррардур. Бу азим фитнадурки, бунга ўхшаши ҳали бўлмаган», деди. Асҳобларидан

баъзилари дедиларки, не бўлғайки, Шайх дуо қилсалар, зора бу балою офат мўъминлар бошидин даф бўлса. Шайх деди: «Бу қазою кадардир, анинг дафъи дуо била бўлмас». Асҳоб деди: «Не бўлғайки, Шайх бизга ҳамроҳлик қилиб Хуросон сори борсалар, токи биз мулозаматда давом этсак». Шайх: «Менга рухсат йўқ. Мен жангда шаҳид бўлурмен!», деб жавоб берди.

Асҳобнинг бир қисми Хоразмни тарк этди. Хоразмшоҳ мўғул босқинчиларидан кўрқиб қочди. Шайх хоразмликларни душманга қарши жангга бошлади. Шайх шаҳид бўлаётган пайтда ёв қўлидан байроғини тортиб олди ва шу даражада маҳкам ушладики, ҳатто ўн кишилашиб ҳам байроқни Шайх қўлидан ола билмагач, ахийри байроқни кесишди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг қуйидаги байтлари ўша ҳолатга ишорадур:

Мо аз он муҳташамонем, ки соғар гиранд,
На аз он муфлисонем, ки бузи лоғар гиранд.
Бо яке даст маи соғари иймон нўшанд,
Бо яке дасти дигар парчами кофар гиранд.

Мазмуни: биз қўлга соғар олувчи улуғларданмиз, биз муфлис (паст назарли)лардан эмасмизки, ориқ эчкини қўлга олсак. Бир қўлимизда иймон майи тўла соғар, иккинчисида эса кофир байроғини тутгаймиз.

Урганч ҳалокатини Ибн Асир қуйидагича тасвирлайди: «Мўғуллар тўғонни очиб юбордилар, бутун шаҳарни сув босди, ҳамма иморатлар бузилди... Шаҳарда... яшовчилардан ҳеч ким омон қолмади».

Ҳазрат Нажмиддин Кубаронинг мурид-шогирдлари кўп бўлган. Аммо алардан нечаси жаҳонда ягона ва замонда муктадо (рахбар) ва фарзона (доно) эдилар: Шайх Мажиддин Бағдодий, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Бобо Камол Жандий, Шайх Разиддин Али Лоло, Шайх Сайфиддин Бохарзий (Шайхул олам), Шайх Нажмиддин Розий, Шайх Жамолиддин Гелий, Мавлоно Валад... Мавлоло Баҳоуддин Валад Жалолиддин Румийнинг отасидир (А. Навоий).

Кубравия тариқати ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдаги таълимот асосида шаклланган. Комил инсонни тарбиялаш бу тариқатнинг асосий вазифаси бўлган. Шайх Нажмиддин Кубаронинг ҳаёти катта сабоқ, улкан мактабдир.

Тариқат пирларининг тарбияси боис ўтмиш аجدодларимиз хуш хислат, улуғ фазилат эгаси эди. Араб сайёҳи ибн Ватута «Сафарнома» китобида шундай ёзган: «Мен дунёни кезиб, бундай мардлардан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси гарчи ўзларини жавонмардларга

ўхшатсалар-да, аммо Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан баланд турадилар. Уларни Ироқда шотлар, Хуросонда сарбадорлар, Мағриб (Андалусия)да суқра дейдилар. Уларга тобеъ жойларда адолат расми ривожланган».

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБАРО ҲИКМАТЛАРИ

Нафс вй маъсият (гуноҳ) ботқозига ботганларни, исрофгарларни кўрдим, лекин ўзимдан кўра очкўзроқ, гуноҳкорроқ, исрофгарроқни учратмадим.

Билдимки, умр ва дунёдан кўра тезлик ила кетадиганроқ, ўлим ва охираддан кўра яқинроқ, орзу ҳаёлдан кўра йироқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқдир.

Аллоҳ қай кимсани дунё қуллигидан озод этган бўлса, ўша ҳақиқий ҳур, эркин инсондир.

Ким махлуқ хизматида бўлса, ул хору зор; ким Холиқ хизматини қилса, ул азизу мукаррам бўлғай.

Огоҳ бўл ҳамиша, бу жаҳокдир бор-йўқ,
Ҳеч нарса йўқ унда, кемтиги зинҳор йўқ.
Йўқ десалар, бор деб уни қил исбот,
Бор десалар, айла дадил инкор «Йўқ»!

* * *

Эй гўзали қоши камон, ёй элнинг,
Орзу, умид, азобисан, ой, элнинг.
Ҳолима вой эл каби севсам гар мен,
Гар мен каби севса, ҳолига вой элнинг.

* * *

Дил шу қадар мафтуну фарзона бизим,
Тарк этмас ани дилбари жонона бизим.
Оҳ, ҳаммага ишқ майи қуюлган вақтда
Дил қонига ботқизилди паймона бизим.

* * *

Банд бўлса агар йил бўйи бир зиндонға
Оч ётса мудом тўйгунича то жонға,
Нонга битиб ибодатимни берсам,
Жирканиб нт тиш урмагай ул нонға.

* * *

Юрмак учун ҳақ йўлига етмак шарт,
Бошқасидан кўзни юмиб кетмак шарт.
Элга шифо бахш эту, оч кўзларини,
Олам ҳама — Ул... Унга назар етмак шарт.

Матназар АБДУЛҲАКИМ таржималари.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

Паҳлавон Маҳмуд (1247—1326) – улуғ шоир, мутафаккир, файласуф. Хивада туғилган.

Шамсидин Сомийнинг «Қомус-ул-аълум», Лутф Алибек Озарнинг «Оташкада» асарларида шунингдек «Маноқиба»да ёзилишича, Паҳлавон Маҳмуд олим, шоир, кураги ерга тегмаган паҳлавон, шу билан бирга пўстиндўз ва телпакдўз уста бўлган.

Унинг «Канзул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») номли маснавий яратгани ҳақида маълумот бор. Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийлари машҳурдир. Шоир ўз рубоийларини форс-тожик тилида ёзган. Бу дурдоналар асрлардан асрга ўтиб, бир неча авлодни тарбиялаб, бизнинг замонгача етиб келди.

Тарихда Паҳлавон Абусаид Румий (XV аср), Паҳлавон Маҳмуд Ушшоқ (XV аср) каби алломалар номи ҳам маълумдир. Ҳар иккала Паҳлавон мусиқашунос, ҳофиз, бастакор сифатида донг таратган. Паҳлавон Маҳмуд Хоразмий эса рубоийлари билан тарихда қолган. Ҳар уччалалари ҳам майдонларда кураш тушгани учун Паҳлавон деган ном олганлар.

Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини ўзбекчага Тўхтасин Жалолов, Муинзода, Васфий, Матназар Абдулҳаким, Эргаш Очиловлар таржима қилган.

Тўхтасин Жалоловнинг ёзишича, Паҳлавон Маҳмуд рубоийларининг Муҳаммад Раҳимхон Феруз, шунингдек Ҳасан Мурод Қори ва бошқа ҳаттотлар томонидан кўчирилган нусхалари ҳам бор экан. «Ҳазрат Паҳлавон ҳикоятлари», «Маноқиби Паҳлавон Маҳмуд» каби рисоалар аллома ҳаёти ҳақида хабар беради.

Уни Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд, Полвонпир десалар, китобу тазкираларда Ҳазрат Паҳлавон, Маҳмуд Пирёвалий, Маҳмуд Пурёвалий деб тилга олганлар. «Оташкада» ва «Қомус-ул-аълум» да таъкидланишича, Паҳлавон Маҳмуднинг жанговарлигини, жасурлигини билдирувчи Қитоли тахаллуси ҳам бўлган. Чунончи:

Дасте намерасад чу Қитоли ба зулфи ёр,
Қувват зи по-у зўр бозу ниҳодаси.

Мазмуни: Қитоли каби қўлимиз ёр зулфига етмас, гарчи бор қувват билан ҳаракат этамиз.

«Ғиёс-ул луғот»да: «Пурёвалий – Маҳмуд Хоразмийнинг лақаби. Баъзан бу сўз мажозий маънода паҳлавонлар бошлиғи ҳисобланадиган кекса полвонга ҳам берилган», деб ёзилгандир.

Эрон олими Саид Нафисий: «Футувват – жувонмардлик гуруҳининг пешволаридан бири машҳур шоир Паҳлавон Маҳмуд Хоразмийдир», дейди.

Дарвоқе, Паҳлавон Маҳмуд пўстиндўз ва телпакдўз дедик, чунки у тариқат пирларидан эди. Ҳазрат Баҳоуддин матога гул солиш касби билан машҳур бўлган. Зеро, тариқат пирлари маълум бир касбни ўрганиб, шундан ризқ-рўзларини ўтказган. Пайғамбар алайҳис-саломнинг: «Қуръонни ўқиб, унга амал қилинглари. Ундан узоқлашиб ҳам кетманглари, унинг маъносига чуқур етаман деб, хато ва муболағага берилманг, уни тирикчилик воситаси қилиб, молу дунё орттиришга ҳам ўтманглари», ҳадисларига тариқат пирлари амал қилганлари.

Нақл қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд Эрон ва Ҳиндистонда анча йиллар яшаган. Маъракаларда кураш тушган ва уни ҳеч ким енга олмаган. Паҳлавон Маҳмуд олийҳиммат, мард, сахий, ватанпарвар инсон бўлган.

«Маноқиб»даги хабарга кўра, Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистон халқи томонида туриб, Ҳиндистон душманларига қарши жангда иштирок этибди. Жанг пайти ўз жонини хатарга қўйиб бўлсада, Ҳинд шоҳи Рай Ропой Чўпани ўлимдан қутқаради. Шунда шоҳ Паҳлавон Маҳмуднинг бемисл бу жасорати, мардлигини тақдирламоқчи бўлиб: «Тила тилагингни!», дебди. Паҳлавон Маҳмуд: «Эй буюк шоҳ! Бундан анча йиллар муқаддам менинг ватандошларим — хоразмийлар бу ерга асир қилиб олиб келинган. Ўшаларни озод этсангиз. Бирдан бир тилагим шу!», дебди. Шоҳ хайрон бўлиб: «Эй ҳиммати баланд паҳлавон! Агар ярим давлатимни тилаганингда эди, уни гап-сўзсиз сенга инъом қилган бўлурдим. Агар соҳибжамол қизимни ўз никоҳингга олмоқни сўраганингда эди, сени ўзимга куёв этиб, тожу тахтимни сенга бағишлаган бўлурдим. Зеро, жасоратинг улкан мукофотга муносибдир. Майли, тилагингни бажо келтирдим. Ватандошларинг озод! Уларни Хоразмга боргунларича егулик озиқ-овқат, кийим-бош, улов билан таъминлашни ҳам буюраман!», дебди.

Паҳлавон Маҳмуд шоҳга қараб қуйидаги рубойисини ўқибди:

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир – мард.
Хам ўзгага бўлмаса ҳақир, улдир – мард.
Утмак сира мағлубни тепиб мардлик эмас,
Тутса қўлидан забунни эр, улдур — мард.

Э. Очилов таржимаси

Шоир рубойисини эшитган шоҳ қойил бўлиб, унга сарпо ва улов инъом қилибди.

Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистондан ўз ватандошларини олиб, Хоразмга қайтган. Мўғул-тотор босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлган ватандошлари қабри устида шоир ўз маблағи ҳисобидан мақбара қурдирган ва у ерни обод зиёратгоҳ этган.

Паҳлавон Маҳмуд марҳум бўлгандан сўнг, қабри устига ватандошлари пуршукуҳ мақбара қурганлар. Бутун оламдан ёғилиб келаётган сайёҳлар пиримиз, улуғ шоир, мард инсон қабрини зиёрат қиладилар. Мақбара деворларига, пештоқларига шоирнинг рубоийлари дарж қилинган. Бу зиёратгоҳ Хивада Ҳазрати Паҳлавон пир номи билан машҳур.

Кейинчалик устод Паҳлавон Маҳмуд мақбараси атрофида Хоразм хонларидан Абдулғозихои, Шохниёзхон, Муҳаммад Раҳимхон I, Темурғозихон ва бошқаларни васиятларига кўра дафн қилганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Паҳлавон Маҳмуд рубоийларида Қуръони карим ва Ҳадиси шариф таъсири кучли. Зеро, Шарқдаги деярли барча шоирлар бу икки улуғ манбаъдан баҳраманд бўлиб, ижод қилганлари сир эмас.

РУБОИЙЛАР

Умримиз дарахтин паст қилма, Раббни,
Борлиқ шаробидан маст қилма, Раббий.
Ўзинг қарам бирла мард йигитларни
Ноқасларга зери даст қилма, Раббий.

* * *

Жаҳон чехра — рангу рўйи ўзингсан,
Ақл, дарё — унинг суйи ўзингсан.
Гул баргида шабнамдайин ўтирма,
Бу боғчанинг рангу бўйи ўзингсан.

Тахтасин Жалолов таржималари.

* * *

Эй дўст, қани айт, жонми керак, жон берайин
Ҳар не энг азиз, сен сўра, шул он берайин мен
Эй қофири шаддод, манам қошима бир кел,
Зуноринг олиб, ўрнига иймон берайик мен.

* * *

Қалбингдаги шак-шубҳа, гумон кетмишдир,
Рух қуввати ҳам бир кун, инон, кетмишдир.
Топдим деб аниқ нишонни мағрурланма,
Топган у нишонинг бенишон кетмишдир.

* * *

Гар ҳақ дея жим тортса фиғон дўст.— чин дўст.
Қилгувчи ибодатни ниҳон—чин дўст.
Кўз-кўзлама ҳеч бергану олган нонинг,
Нон дўсти эмас, аслида жон дўст - чин дўст.

* * *

Боғману бағримда чаман —нолаларим,
Дардимни билиб бош эгди лол лолаларим.
Икки кўзим икки улуғ дарёдир,
Қолган бари дарёлар эса болаларим.

Матназар АБДУЛҲАКИМ таржимаси

МУҲАММАД РАҲИМХОН ФЕРУЗ

Бухоро, Самарқанд, Хива — Шарқ гавҳарларидир. Аср-асрлардан бери бу шаҳарлардаги обидаларни сайёҳлар бутун оламдан келиб зиёрат қиладилар ва ота-боболаримиз ақлига, санъатига, маданиятига қойил бўладилар.

Қизил империя даврида Шарқдан чиққан шоҳларни «нодон», «жоҳил», «қонхўр», авлиё-алломаларни эса «фирибгар», «ёлғончи», Шарқ обидаларини «эскилик қолдиғи», «дину бидъат ўчоғи» деб талқин қилиш расм эди. Жумладан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II гарчи улуғ шоир, хассос бастакор, ижод аҳлига ҳомий бўлсада, унга сарой феодал-клерикал адабиётининг намояндаси деган тамға босилиб, Феруз ижоди на ўрганилди, на тарғиб қилинди.

Муҳаммад Раҳимхон II тарихда Феруз (Феруз — бахтли, саодатли) таҳаллуси билан Девон тузгани, ўнлаб шоиру муаррих, бастакору меъморларга ҳомийлик қилгани, шунингдек Хоразм адабий муҳити тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, унга раҳбарлик қилгани тарихий ҳақиқатдур.

Буюк истеъдод соҳиби Феруз 1844 йил Хивада туғилган. Отаси Саййид Муҳаммадхон ўлимидан сўнг Феруз тахт эгаси бўлди. Бу воқеа 1863 йилга тўғри келади. У 16 ёшида хонлик тожини кийган. Муаррихлар Муҳаммад Раҳимхон II нинг хонлик даврини 1863 йилдан 1910 йилгача деб ёзганлар. У 1910 йил вафот этган.

Ферузшунос олима Г. Исмоилованинг ёзишича, Хива ва унинг теvarак-аттофидаги шоир, адабиётчи, муар-рих, мусиқашунослар саройга йиғилиб, бир адабий марказ вужудга келтирилди. Муҳаммад Раҳимхоннинг бевосита ҳомийлиги остида ўнлаб истеъдодли шоирлар, ажойиб созанда-лар, хушхат хаттотлар, муаррихлар етишиб чиқди. У ҳар бир шоир шеърларини жамъ қилиб, девон тузиш каби хайрли ишларни амалга ошир-ди. ўнлаб тупламларнинг яратилишига раҳномалик қил-ди. «Баёзи мусаддасот», «Баёзи мухаммасот», «Баёзи ашъор» кабилар фикримизга далилдир.

Феруз раҳбарлигида Табибийнинг «Мажматуш шуаро», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳи» асарлари яратилган. «Мажматуш шуаро»да Феруз саройида йиғилган ўттизга яқин шоирлар ижодидан намуналар берилган.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Хоразм маданий ҳаётида алоҳида тараққиёт юз берди. Илгари вайрон бўлиб кетган бинолар қайтадан тикланди. Янгидан суғориш иншоотлари, карвонсаройлар

ва 60 га яқин масжид, мадраса барпо қилинди. Нодир истеъдод эгаси (Матнийёз) Комил Хоразмий оддий хаттотликдан Муҳаммад Раҳимхон замонида мирзабошилиқ лавозимига кўтарилди. 1873 йилда эса девонбеги мансабига тайинланди. Комил Хоразмий «Рост» мақомига басталаган «Мураббаи Комил» ва «Пешрави Феруз» айни замонда ҳам машҳур.

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Иқболи Ферузий» (ёки «Шоҳиди иқбол») номли тарихий асари Феруз ҳукмронлик қилган давр воқеаларига бағишланган.

Огаҳий, Комил Хоразмий, Рожий ва бошқа адиблар кўплаб асарларни форс-тожик тилидан ўзбекчага таржима қилганлар. Атоқли таржимашунос Н. Комилов тўғри таъкидлаган каби бу даврда Хоразм таржимачилиқ мактаби пайдо бўлган эди.

Бу вақтга келиб «Маҳфилоро», «Бадоеъул вақоеъ», «Ҳафт кишвар», «Вомиқ ва Узро», «Меҳру Моҳ», «Баҳори дониш», «Чор дарвиш», «Анвори Сухайлий», «Шоҳнома», «Гулистон», «Ахлоқи Муҳсиний» каби асарлар форс-тожик тилидан ўзбекчага ўғирилди.

Муҳаммад Раҳимхон II Хивада тошбосма ташкил этиб, китоб чоп этишни ҳам йўлга қўйган.

Феруз ҳукмронлик қилган давр ғоятда алғов-далғов бўлиб, хонликлар орасида ўзаро низо кучли эди. Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Хива хонлиги орасида бирлик йўқ эди. Мана шу қарама-қаршиликлардан чор Россияси усталик билан фойдаланди. 1866 йил Россия қўшинлари Бухоро чегараларига бостириб кирди. 1868 йилга келиб Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги Россияга тобеъ бўлди.

1873 йил Кауфман раҳбарлигида жами 13 минг кишидан иборат қўшин, 55 тўп-замбарак билан Хивага қарши юриш бошлади. 1873 йилнинг 29 май куни Хива эгалланди. Аммо Хива ўрислар томонидаи ишғол қилинишидан олдин, бу ерда тўнтариш бўлиб, Муҳаммад Раҳимхон II ўрнида унинг укаси Отажон тўра хон деб эълон қилинган эди. Хива ишғол қилингандан сўнг, Кауфман Ферузни яна тахтга ўтирғизди (ЎзССР тарихи, II-том. «Фан», Т.— 1971 йил, 29-бет).

Россияинт Хивага кўз олайтириши Пётр I даврида бошланган. Тарихдан маълумки Петр I нинг Бекович-Черкасский бошлиқ экспедицияси 1714—1717 йилда Хива остоналарида тор-мор қилиб ташланган, кейинроқ В. А. Перовский экспедицияси (1839—1840) ҳам барбод бўлган эди.

Рус чоризмининг босқинчилик сиёсатини ёқлаб вице-канцлер Горчаков ёзади: «Бу (яъни босқинчилик) шароит тақозоси бўлиб, бошқа давлатлар ҳам худди шундай қилган. Масалан, Франция

Жазоирни, Голландия ўз мустамлакаларини, Англия Ост-Индияни, хуллас давлатлар манфаатпарастлигидан кўра ноилож зарурият тақозосига бинои мана шундай йўлдан боришимиз муқаррар бўлиб қолди.»

Худди шу китобда генерал-губернатор С. М. Духовский ўз ҳукуматига мурожаат қилиб ёзган хатида: «... бу ердаги аҳолига одамийлик ва инсонпарварликнинг кенг негизларини қўллаб бўлмайди», деган. Туркистонни бошқаришда чоризм маҳаллий меҳнаткашларни эзиш, уларнинг ҳуқуқларини назар-писанд қилмасликка асосланган эди.

Муҳаммад Раҳимхон II мана шундай даврда яшаб, ҳукмронлик этиб, ижод қилган. Муаррихларнинг таъкидлашича, у «Шашмақом»га ўн учта куй басталаган. Бу куйлар ҳозирги кунгача Ғарбу Шарқдаги мусиқа шинавандаларига манзурдир.

Ҳасанмурод қори Муҳаммадамин ўғли Лафасийнинг «Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида қуйидаги ҳикоят келтирилган: «Дойи— Юсуф Ҳожи номи билан машҳур бўлиб, ҳамма вақт Хива уламо ва сипоҳиларини мазаммат (мазах) этиб, ҳақорат қилиб юрур эрди. Феруз эса Дойининг ҳурматини жойига қўяр, унга инъом бериб турарди. Муҳаммад Раҳимхон Дойини шул тариқа сипоҳий ва уламоларни ҳақорат қилиб, мазаммат этишидан воқиф эканлигига қарамай, уни масжиди Калон воизлиги мансабига тайинлайди. Дойи масжиддаги ваъзларида ҳам вазирлар ва уламоларни танқид қилади ва улардан шикоят этиб туради. Анинг ҳар бир гапини хонга етказиб турардилар. Бир кун хон Ислохўжага: «Бугун наҳордан жума масжидига боргил ва воиз насиҳатларини яна эшитиб келгил,— деб фармон берди. Ислохўжа ўзининг яқинларини олиб, намозга борди. Юсуф Ҳожи уларни кўриб мазаммат этиб айтади: «Фуқаро — деҳқонларга жабр-зулм этиб, аларнинг манглай тери билан топилган ақчаларини олиб, бундай ақчалар билан мадраса, масжид бино қилдурса, қандоқ савоб бўлур? Бундай ишларнинг жазосини топсалар керак...» Ислохўжа ушбу гапларни хонга сўзлаб беради. Хон эса... Дойига сарупо инъом этади».

Қуйидаги шоҳ байтлардан иборат ғазал Ферузникидир:

Нечук офат эдинг, эй сарвиқомат,
Бошимга солди ишқинг юз қиёмат.
Қиёмат шўришин жаҳонга солдинг,
Жаҳондин мунъадам¹ бўлди фароғат.
Фароғат истаган, чиқсун жаҳондин,
Топилмасдур тирикликда саломат.

¹ Мунъадам — йўқолмоқ.

Саломат аҳли лошига фалакдин,
Даме тинмай ёғар санги маломат.
Маломат тошидин озурдадурлар,
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат.
Фаросат хайлининг оллида бўл кул,
Бошингга солмайин чини малолат.
Маломат чекмайин десанг жаҳонда,
Худонинг берганига қил қаноат.
Қаноат бирла сабр ўлса санга иш,
Ҳар ишда қилмагунг ҳаргиз надомат.
Надомат бирла умрим ўтди, ё Раб,
Етур тонгла Расулингдин шафоат.
Шафоат жомидин саршор қилғил,
Ҳазин Ферузни шоҳи рисолат.

МУНДАРИЖА

Шайх Нажмиддин Кубаро	4
Паҳлавон Маҳмуд	8
Муҳаммад Раҳимхон Феруз	12

Адабий бадиий нашр

Садриддин Салим Бухорий

Масъул муҳаррир *Тилак ЖЎРА*

Муҳаррир *Нортўхта ҚИЛИЧ*

Бадиий муҳаррир *Темур САЪДУЛЛА*

Мусаввир *Уйғун СОЛИҲ*

Техник муҳаррир *Ульяна КИМ*

Мусахҳих *Зарифа МАННОПОВА*

ИБ № 81

Китобни электрон ҳолатга келтирган [Шерзод ЖУМАБАЕВ](#)

Босмаҳонага берилди 25. XI. 93. Босишга рухсат этилди 29. XII. 93. Бичими 84X108¹/₃₂. Юқори босма. Шартли босма тобоғи 1.68 Нашр тобоғи 0.73. Шартнома № 77—93. Буюртма 4372. Жами нусха 100.000. Баҳоси шартнома асосида.

«Ёзувчи» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

«Турондод» кичик корхонаси, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилдн. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

